



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2026
1-сон



SERVIS

ILMIY-AMALIY JURNAL 2026 yil, 1-soni

Muassis: Samarqand iqtisodiyot va servis instituti

O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligi tomonidan 2008 yil 31 dekabrda
0561-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

O‘zR OAK Riyosatining 19.03.2017 y., 239/5-sonli qarori bilan e‘tirof etilgan

Tahririyat a‘zolari:

Mas‘ul kotib:

i.f.d., prof. M.Q.Pardaev

Muharrirlar:

i.f.d., dotsent F.A.Safarov
PhD, dotsent I.M.Pardaeva
PhD, I.Sh.Ernazarova

Texnik muharrir:

katta o‘qituvchi F.O.O‘roqov

Korrektor:

PhD, dotsent v.b.
T.I.Yahyoyev

Sahifalovchi:

PhD, dotsent v.b.
H.N.Ochilova

1 yilda 4 marotaba
chop etiladi.

**O‘zbekiston hududida
tarqatiladi.**

Tahririyat manzili:

140100, Samarqand shahar,
Amir Temur ko‘chasi, 9-uy,

tel.: +998(66)233-28-38,
+998(97)913-74-40

faks: +998(366)231-12-53
el.pochta:

samisiservis@mail.ru

Tahrir hay‘ati raisi:

M.E.Po‘latov – Samarqand iqtisodiyot va servis instituti rektori,
i.f.d., professor

Tahrir hay‘ati raisi o‘rinbosari:

M.Q.Pardayev – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

Tahrir hay‘ati a‘zolari:

M.M.Muxammedov – SamISI professori, iqtisod fanlari
doktori

D.R.Zaynalov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

O.M.Murtazayev – TDIUSF direktori, iqtisod fanlari doktori,
professor

M.R.Boltabayev – TDIU professori, iqtisod fanlari doktori

R.X.Ergashev – QarMII professori, iqtisod fanlari doktori

B.K.G‘oibnazarov – iqtisod fanlari doktori, professor

I.S.To‘xliyev – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

K.B.Urazov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

Q.J.Mirzayev – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

B.I.Isroilov – TDIU professori, iqtisod fanlari doktori

G.M.Shodiyeva – SamISI professori v.b., iqtisod fanlari doktori

S.N.Toshnazarov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

R.N.Normaxmatov – SamISI professori, texnika fanlari doktori

A.Bektemirov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

O.M.Pardayev – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

M.T.Alimova – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

Z.Dj.Adilova – TDIU professori, iqtisod fanlari doktori

Sh.O.Quvondiqov – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

L.N.Xalikova – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

F.A.Safarov – SamISI dotsenti, iqtisod fanlari doktori

A.M.Karimova – SamISI professori, iqtisod fanlari doktori

I.B.Mattiyev – SamISI professori, pedagogika fanlari doktori

B.F.Boronov – SamISI professori v.b., iqtisod fanlari doktori

A.N.Xoliqulov – SamISI professori, iqtisod fanlari nomzodi

X.A.Raximov – SamISI dotsenti, PhD

S.A.Babanazarova – SamISI dotsenti, PhD

H.N.Ochilova – SamISI dotsenti v.b., PhD

I.R.Berdikulova – SamISI dotsenti v.b., PhD

A.Q.G‘apparov – SamISI dotsenti v.b., PhD

MUNDARIJA:

NAZARIYA VA METODOLOGIYA	
Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев, Озода Мамаюнусова Пардаева Янги Ўзбекистоннинг бойлиги инсон ресурслари билан ўлчанади	5
Сарвар Аюбовна Исхакова Ўзбекистонда хизматлар соҳасини модернизация ва диверсификация қилишнинг асосий йўналишлари	13
Anvar Nematovich Xoliqulov Servis sifati tushunchasining nazariy talqini	18
Зухриддин Санжар ўғли Рашидов Корхона самарадорлигини оширишни меҳнат ресурслари ҳаракати билан боғланишининг ўзига хос хусусиятлари	21
Mexrangiz Axtam qizi Mullayeva Xizmat ko‘rsatish sohasida faoliyat yurituvchi korxonalarni davlat tomonidan qo‘llab-quvvatlashning ustuvor yo‘nalishlari	25
SANOAT VA QISHLOQ XO‘JALIGI	
Фарида Абдухалимовна Ахмеджанова Роль эстетических показателей тканей в формировании потребительских и эксплуатационных свойств изделий	31
Рузбой Нормаматов, Акрам Гафуров, Баҳора Тўлкинова В ₁ - витамин (тиамин): ва унинг инсон соғлигини сақлашдаги аҳамияти	34
Junaydillo Sadiyevich Fayziyev Atrof-muhitga chiqarilayotgan sut zardobi tarkibidagi zardob oqsillari miqdorini kamaytirish texnologiyasi	37
Ro‘ziboy Normaxmatov, Zakirjon Erkinovich Mamarasulov, Ravshan Pirmatov Askorbin kislotasi (C vitamini) va uning ahamiyati	41
TADBIRKORLIK, MEHNAT, BANDLIK VA KAMBAG‘ALLIKNI QISQARTIRISH	
Феруз Нематуллаевич Абилов Худудларда камбағалликни қисқартиришнинг инновацион йўналишлари	44
XIZMAT KO‘RSATISH VA SERVIS	
Обид Мамаюнусович Пардаев Коммунал хизматларни ривожлантиришнинг маъмурий-бошқарув ва инфратузилмавий институтционал асосларини такомиллаштириш	50
Акмал Алимжонович Салимов Ривожланган мамлакатларнинг олий таълим хизматлари сифатини ошириш тажрибаларидан Ўзбекистонда фойдаланиш имкониятлари	56
Firuz Kurbanovna Achilova Mintaqada xizmatlar sektorining rivojlanishining zamonaviy modellari	61
Нажмиддин Раҳматуллаевич Абдувоҳидов Хизмат кўрсатиш соҳасида сохта иқтисодиётнинг айрим кўринишлари ва уни бартараф этишнинг амалий йўналишлари	66
Xusnora Dilmurod qizi Umarova Orolbo‘yi mintaqasida xizmat ko‘rsatish sohasini innovatsion boshqarishning tashkiliy-iqtisodiy mexanizmlarini takomillashtirish	71
Jahongir Aktamovich Haydarov Logistikada transport xizmatlari raqobatbardoshligini baholashning kompleks yondashuvlari	75

Акмал Алимжонович Салимов – и.ф.ф.д. (PhD), профессор, Тошкент Ахборот технологиялар университети мустақил изланувчиси

РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАРНИНГ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ СИФАТИНИ ОШИРИШ ТАЖРИБАЛАРИДАН ЎЗБЕКИСТОНДА ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНИЯТЛАРИ

Аннотация. Мақолада ривожланган мамлакатларда олий таълим хизматларини ташкил этиш, сифатини ошириш бўйича тажрибалари ўрганилган. Шунингдек, глобал олий таълим хизматлари бозорида таълим сифати бўйича ТОП мамлакатлар таркиби таҳлил этилган. Таҳлил натижалари бўйича ривожланган мамлакатларда олий таълимни сифатини ошириш тажрибаларини мамлакатда фойдаланиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўз: олий таълим муассасалари, олий таълим, олий таълим хизматлари, таълим сифати, халқаро таълим стандартлари.

Кириш. Ривожланган мамлакатларда олий таълим хизматлари сифатини ошириш, жумладан, унинг ташкилий-иқтисодий механизмлари самарадорлигини оширишда бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатларга нисбатан кенг тажрибаларни шакллантириш билан биргаликда, мазкур йўналишда глобал ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган тавсиявий кўрсаткичлар тизимига нисбатан юқори натижаларни қайд этиб келаётганлиги билан ажралиб туради.

Шу билан бирга, ушбу мамлакатлар гуруҳида олий таълим хизматлари сифатини ошириш борасида амалга оширилаётган ислохотларда мамлакатнинг миллий инсон капиталини инвестициялаш самарадорлигини оширишга сезиларли даражада юқори устуворлик қаратилиб, инновацион иқтисодий ривожланиш самарадорлиги олий таълим муассасалари билан хусусий сектор вакиллари ўртасидаги кадрлар тайёрлаш ва инновацион ривожланиш бўйича ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг мустақкам ўрнатилганлиги билан характерланади. Умумий ҳолатда тараққий этган мамлакатлар амалиёти Ўзбекистон сингари бозор иқтисодиёти ривожланаётган мамлакатларда олий таълим хизматлари сифатини ошириш, жумладан унинг ташкилий-иқтисодий механизмлари самарадорлигини таъминлаш борасидаги ислохотларни амалга оширишнинг устуворликлари, давлат дастурларининг таркибий тузилиши, бу турдаги хизматлар сифатини белгилаш стандартлари, уни назорат қилиш каби йўналишлардаги чора-тадбирларни ишлаб чиқишда ижодий фойдаланиш учун тажрибавий намуна сифатида хизмат қилади.

Адабиётлар таҳлили. Ўзбекистонда олий таълим хизматлари сифатини ошириш, сифат даражасини халқаро стандартлар тизимига интеграциялашувини кучайтириш, жумладан, мазкур йўналишдаги чора-тадбирларнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришда тараққий этган мамлакатлар гуруҳига кирувчи АҚШ ва Буюк Британия тажрибаларини қиёсий таққослашни лозим топдик. Ушбу мамлакатлар амалиётини чуқур қиёсий таҳлил қилишда дастлаб халқаро стандартлар тизими бўйича олий таълим хизматлари сифатини белгиловчи айрим чегараларга эътиборни қаратиш зарур бўлади. Жаҳон банки¹, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (ИХТТ²), Юнеско³, QS халқаро олий таълим рейтинги агентлиги⁴, Ellucian⁵, Microsoft⁶ каби глобал ташкилот ва йирик компаниялар томонидан олий таълим хизматлари сифати бугунги кунда олий таълим муассасаларининг академик салоҳияти (*AP*), илмий тадқиқот фаолияти самарадорлиги (*R&D*), бошқарув тизими (*MS*), молиялаштириш манбалари (*F*), ҳамда рақамлаштириш даражалари (*D*) каби таркибий элементлар ўртасидаги ўзаро

¹ Parajuli D., Vo D.K., Salmi J., Anh Tran N.T. Improving the Performance of Higher Education in Vietnam: Strategic Priorities and Policy Options. International Bank for Reconstruction and Development/The World Bank, October, 2020. – 87 pages.

² Ensuring Quality in VET and Higher Education: Getting Quality Assurance Right. OECD Education Policy Perspectives, Directorate for Education Skills, No. 118, OECD, 2025. – 57 pages.

³ Data for Education: A Guide for Policymakers to Leverage Education Data. UNESCO Institute for Statistics, UNESCO, 2023. – 41 pages

⁴ World Future Skills Index: Transforming higher education for the skills economy. QS Agency, 2025. – 63 pages.

⁵ The Student Voice Report: Insights on Enrollment Drivers, Stop-Out Factors, and Bridges to Lifelong Learning. Annual Report, 2025 Edition, Ellucian, 2025. – 23 pages


⁶ 2025 AI in Education: A Microsoft Special Report, Microsoft, 2025. – 42 pages.

мутаносибликнинг таъминланганлиги 1-расм даражасидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилиниб, сифат кўрсаткичини (I_Q) қуйидаги тенглама орқали изоҳлаш мумкин бўлади:

$$I_Q = f(AP + R\&D + MS + F + D)$$

Тадқиқот методологияси. Ушбу тадқиқот жараёнида илмий мушоҳадалаш, жадвал ва график, тизимли таҳлил, статистик гуруҳлаш, таққослаш каби методлардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Шу ўринда “Ellucian”¹ ташкилоти томонидан глобал олий таълим хизматлари бозорининг амал қилиш хусусиятларини тадқиқ этишга қаратилган тадқиқотлар натижаларига эътиборни қаратишни лозим топдик. Ташкилот томонидан халқаро даражада ўтказилган тадқиқотлар “жаҳондаги ТОП-1000 таликка кирувчи олий таълим муассасаларининг бакалаврият таълим босқичида таҳсил олаётган жами талабаларнинг 32 фоизи илмий тадқиқот ишларини бошлаш ва уни амалга ошириш жараёнлари тўғрисидаги билим, кўникма ва малакаларига тўлиқ эга эмас”²лиги аниқланган. Ушбу ҳолат глобал ташкилот экспертлари томонидан олий таълим хизматлари сифатига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатиб, келажак касблари бўйича иш берувчи талабаларига мос кадрлар тайёрлаш амалиётини шаклланишига тўсиқ бўлувчи устувор омиллар қаторига киритилган.



1-расм. Глобал олий таълим хизматлари бозорида хизмат сифатининг таркибий элементлари³

Жумладан, юқорида келтирилган глобал ташкилотлар томонидан олий таълим хизматлари сифатини баҳолашда олий таълим муассасаларининг ресурс имкониятлари билан профессор-ўқитувчилар салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида таълим жараёнининг самарадорлигини ошириш ҳисобига битирувчилар натижалари ва уларнинг меҳнат бозори талабларига мос келиши (Outcome-Based Education) учун йўналтирилган замонавий олий таълим хизматлари бозорини шакллантиришга қаратилган ислохотларга устуворлик қаратилади. Бу турдаги олий таълим хизматлари сифатини ошириш амалиёти шаклланиши ҳолатини баҳолаш мақсадида нуфузли “QS” халқаро рейтинг агентлиги томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижалари АКШ, Буюк Британия ва Германия мамлакатларида юқори сифатли олий таълим хизматлари бозорини ривожлантиришга эришилганлигини кўрсатди.⁴

Жумладан, глобал ташкилот томонидан олий таълим хизматлари сифатини баҳолашда 100,0 баллик тизим асосида битирувчилар кўникмаларининг меҳнат бозори талабига мослиги, академик сифат (ўқитиш, таълим бериш сифати), келажак касбларига мос келадиган таълим хизматларининг ташкил этилганлиги ва олий таълим хизматлари ҳисобига эришилган иқтисодий трансформация даражаси каби таркибий элементлар


¹ Ellucian Company LLC. URL: <https://www.ellucian.com/>

² The Student Voice Report: Insights on Enrollment Drivers, Stop-Out Factors, and Bridges to Lifelong Learning. Annual Report, 2025 Edition, Ellucian, 2025. – 23 pages

³ Муаллиф томонидан тузилган

⁴ World Future Skills Index: Transforming higher education for the skills economy. QS Agency, 2025. – 63 pages маълумотлари асосида тузилган.

бўйича ўтказилган баҳолаш натижаларини умумлаштирган ҳолда, замонавий таълим сифати индексини баҳолаш натижалари 2-расмда келтириб ўтилди. Глобал ташкилот томонидан олий таълим хизматлари сифати индекси бўйича ўтказилган баҳолаш натижалари ушбу хизматлар бозоридаги бугунги глобал тенденциялар тобора мураккаблашиб бораётганлигидан далолат бермоқда, деган хулосага келиш имконини беради. Ушбу вазиятни инобатга олиб, айрим тараққий этган мамлакатлар амалиётларини чуқур таҳлил қилиш орқали улардан Ўзбекистон шароитида ижодий фойдаланиш имкониятларини тадқиқ этишни лозим топдик.



2-расм. Глобал олий таълим хизматлари бозорида таълим сифати бўйича ТОП мамлакатлар (2025 й.)¹

АҚШ олий таълим хизматлари бозорининг ривожланиш трендлари бугунги кунда мамлакатни жаҳондаги илмий-инновацион ривожланишдаги етакчилиги, ҳамда глобал даражадаги олий таълим муассасаларининг рейтинглари тизимидаги ТОП мамлакатлар қаторидан ўрин олишига хизмат қилиши турли иқтисодий тадқиқотларда илмий ва амалий жиҳатдан исботланганлиги билан характерланади. Таҳлилларга кўра, мамлакатда олий таълим хизматлари сифатини таъминлашда халқаро сифат стандартларига тўлиқ мослаштирилган аккредитциялаш, олий таълим муассасаларини натижага (мақсадга) йўналтирилган тартибда молиялаштириш, ҳамда турли йўналишдаги тадқиқотлар учун грантлар ажратиш каби элементлардан ташкил топган (3-расм) ташкилий-иқтисодий механизмдан устувор даражада фойдаланилиб, уларни қуйидаги тартибда изоҳлаш мумкин бўлади:

халқаро сифат стандартларига тўлиқ мослаштирилган аккредитциялаш – бунда ҳар бир олий таълим муассасаси таълим сифати бўйича юқори рақобатбардошликка эришиш мақсадида, нафақат талабаларни ўқитиш, балки олий таълим муассасаларининг илмий-инновацион фаолияти самарадорлигини оширишга қаратилган стратегик ривожланиш дастурлари ва ушбу дастурларни амалга ошириш механизмларидан ташкил топган, жумладан, глобал даражадаги етакчиликка эришиш имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш имкониятини тақдим этувчи чора-тадбирлар тизимларини ишлаб чиққанлигида ифодасини топади;

олий таълим муассасаларини натижага (мақсадга) йўналтирилган тартибда молиялаштириш – олий таълим хизматларини давлат ёки маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилиши, жумладан, шартномавий механизм асосида олий таълим муассасаси томонидан кўрсатиладиган хизматлар белгиланган натижаларга эришиш имкониятини бермаган ҳолатда, олий таълим муассасаси фаолиятини молиялаштириш учун йўналтирилган харажатлар муассаса томонидан қайтариб, тўлиқ қоплаб берилиши ва

¹ World Future Skills Index: Transforming higher education for the skills economy. QS Agency, 2025. – 63 pages маълумотлари асосида тузилган



3-расм. АҚШда олий таълим хизматлари сифатини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми самарадорлигини таъминлаш таркибий элементлари¹

кейинги даврда уни молиялаштириш ҳажми олий таълим муассасасининг фаолияти самарадорлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши амалиёти шаклланган бўлиб, ушбу амалиёт олий таълим муассасалари томонидан олий таълим хизматлари сифатини мунтазам ошириб боришга қаратилган “қатъий сифат интизоми” шаклланиши билан биргаликда, маҳаллий олий таълим хизматлари бозоридаги рақобат кураши глобал даражадаги рақобат даражасидан ҳам кучли даражада ривожланишига сабаб бўлган;

турли йўналишдаги тадқиқотлар учун грантлар – АҚШ олий таълим муассасалари глобал даражада илмий фундаментал ва амалий грантларни амалга ошириш, улар асосида эришилган натижаларни амалиётга жорий этиш ва илмий тадқиқот ишларини тижоратлаштириш бўйича етакчилиги билан биргаликда, юқори рақобатбардошликка эга эканлиги билан ажралиб туради.



4-расм. АҚШ олий таълим хизматлари бозорида хизматлар сифатини ошириш устуворликлари (олий таълим хизматлари сифати билан кўрсаткичлар ўртасидаги боғлиқлик даражаси, фоизда, 2025 й.)²

Глобал даражада олий таълим муассасалари фаолияти рейтингини баҳолаш билан шуғулланувчи “QS” рейтинг ташкилоти маълумотларига кўра, АҚШ олий таълим хизматлари бозорида сифатли таълим хизматлари кўрсатилиши ҳисобига, мамлакатдаги иқтисодий трансформациялашув даражасининг таркибий субиндекслари ҳисобланган иқтисодий салоҳиятнинг ортиши, инновацион ва барқарор ривожланиш бўйича хусусий сектор талабларини аввалдан аниқланиши ҳамда келажак касблари бўйича мутахассисларни ўқитишга тайёрлиги ҳолати бўйича бошқа тараққий этган мамлакатларга

¹ Муаллиф томонидан тузилган

² World Future Skills Index: Transforming higher education for the skills economy. QS Agency, 2025. – 63 pages маълумотлари асосида тузилган

нисбатан юкори натижага эришган ҳисобланади. Жумладан, АҚШ олий таълим муассасалари олий таълим хизматлари сифатини оширишда меҳнат бозори талабларига мос келадиган кадрларни тайёрлашда инсон капиталини инвестициялаш самарадорлигини ошириш, талабаларда тадбиркорлик қобилияти ва инновацион фикрлаш имкониятларини ривожлантириш, олий таълим орқали меҳнат бозоридаги келажакда кутилаётган ўзгаришларга нисбатан мослашувчан кўникмаларни шакллантириш, ҳамда, юкори самарадорлик ва ахлоқий меъёрларга тўлиқ жавоб берадиган кадрларни тайёрлашга устуворлик (4-расм) қаратилиши аниқланган.

Хулоса ва таклифлар. Юқорида АҚШ тажрибалари асосида билдирилган илмий таклиф ва амалий тавсияларга мувофиқ Ўзбекистонда олий таълим хизматлари сифатини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштирилиши ҳисобига куйидаги амалий натижаларга эришилиши мумкин бўлади:

биринчидан, мамлакатдаги маҳаллий олий таълим муассасаларининг автономиясини бозор талаблари асосида кучайтириб, сифат бўйича ўзаро рақобатлашув амалиётига ўтиш тенденцияларини кучаяди;

иккинчидан, сифатни оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми амал қилишида давлат ва хусусий сектор ўртасидаги функционал тақсимот оптималлашиб, хусусий сектор сифатни таъминлашга, давлат эса сифатни назорат қилишга йўналтирилган фаолиятни юритиш амалиётига ўтади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Parajuli D., Vo D.K., Salmi J., Anh Tran N.T. Improving the Performance of Higher Education in Vietnam: Strategic Priorities and Policy Options. International Bank for Reconstruction and Development/The World Bank, October, 2020. – 87 pages.
2. Ensuring Quality in VET and Higher Education: Getting Quality Assurance Right. OECD Education Policy Perspectives, Directorate for Education Skills, No. 118, OECD, 2025. – 57 pages.
3. Data for Education: A Guide for Policymakers to Leverage Education Data. UNESCO Institute for Statistics, UNESCO, 2023. – 41 pages
4. World Future Skills Index: Transforming higher education for the skills economy. QS Agency, 2025. – 63 pages.
5. The Student Voice Report: Insights on Enrollment Drivers, Stop-Out Factors, and Bridges to Lifelong Learning. Annual Report, 2025 Edition, Ellucian, 2025. – 23 pages.
6. 2025 AI in Education: A Microsoft Special Report, Microsoft, 2025. – 42 pages.
7. Ellucian Company LLC. URL: <https://www.ellucian.com/>.
8. The Student Voice Report: Insights on Enrollment Drivers, Stop-Out Factors, and Bridges to Lifelong Learning. Annual Report, 2025 Edition, Ellucian, 2025. – 23 pages.
9. World Future Skills Index: Transforming higher education for the skills economy. QS Agency, 2025. – 63 pages маълумотлари асосида тузилган.

<p>А.Салимов</p> <p>Возможности использования опыта развитых стран по повышению качества услуг высшего образования в Узбекистане</p> <p>Аннотация. Статъе рассматривается опыт организации и повышения качества услуг высшего образования в развитых странах. Также проанализирован состав ведущих стран по качеству образования на мировом рынке услуг высшего образования. На основе результатов анализа разработаны предложения по использованию опыта повышения качества высшего образования в развитых странах.</p> <p>Ключевые слова: высшие учебные заведения, высшее образование, услуги высшего образования, качество образования, международные стандарты образования.</p>	<p>A.Salimov</p> <p>Opportunities for Applying the Experience of Developed Countries to Improve the Quality of Higher Education Services in Uzbekistan</p> <p>Abstract. The article examines the experiences of higher education services organization and quality improvement in developed countries. Also, the composition of the TOP countries in terms of quality of education in the global market of higher education services was analyzed. Based on the results of the analysis, proposals were developed to use the experiences of improving the quality of higher education in developed countries.</p> <p>Keywords: higher education institutions, higher education, higher education services, quality of education, international education standards.</p>
--	---

ISSN 2091-5187

☞ “SERVIS” ☞

Jurnal Samarqand iqtisodiyot va servis instituti tahririyat
bo‘limida nashrga tayyorlandi.

06.03.2026 yilda terishga berildi. 19.03.2026 yilda bosishga ruxsat etildi. Ofset
bosma qog‘ozi. Qog‘oz bichimi 60x84_{1/8}. “Times” garniturasini. Ofset bosma usuli.
Shartli bosma tabog‘i 15,4. Hisob-nashriyot
tabog‘i 14,37. Adadi 100 nusxa. Buyurtma № 0031A/26

Samarqand iqtisodiyot va servis institutining
matbaa bo‘limida chop etildi.
Litsenziya № 025316.
Reestr № X-119112.

Manzil: Samarqand shahri, Shoxruh ko‘chasi, 60-uy.

© Samarqand iqtisodiyot va servis instituti, 2026.